

Ички Ишлар Органларида Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Соҳасидаги Маъмурий Ҳуқуқбузарликлар Тўғрисидаги Ишларни Юритишнинг Муаммолари

Пармонов Жамол Хайдарович

Подполковник, Мустақил тадқиқотчи: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада ички ишлар органларида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг муаммолари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан қонунчиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни кўздан кечириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни тўхтатиб туришнинг асослари ва тартибини ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахслар сифатида ҳолисларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш лозимлиги асослантилган..

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш, ҳолислар, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ўзига хос мураккаб хусусиятларга эга. Бу борада қатор муаллифлар ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш бошқа турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга қараганда мураккаброқ эканлиги тўғрисида фикр юритишади¹.

2024 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 740 994 нафар шахсга нисбатан 613 142 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилиб, 469 568 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазолар қўлланилди.

Ярашилганлиги муносабати билан 94 886 нафар шахс маъмурий жавобгарликдан озод этилди.

Кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг аксариятини майда безорилик, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, ҳақорат қилиш, электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши, савдо ёки хизмат кўрсатиш

¹ Акулкина О.А. Административно-правовая природа ответственности за правонарушения в области дорожного движения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2008. — 29 с., Бахаев А.А. Административно-правовое регулирование дорожного движения: вопросы безопасности и ответственности: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2009. — 23 с., Божко И.В. Нарушение правил дорожного движения и эксплуатации транспортных средств: уголовно-правовое регулирование и предупреждение: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2011. — 28 с., Булгаков А.Н. Административное расследование правонарушений в области обеспечения безопасности дорожного движения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар., 2007. — 24 с., Быков А.И. Проблемы применения органами внутренних дел административных наказаний в области безопасности дорожного движения: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2011. — 24 с.

қоидаларини бузиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ва совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.

Апелляция тартибида 9 899 нафар шахсга нисбатан 8 297 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. 2 581 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 2 945 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Кассация тартибида 7 124 нафар шахсга нисбатан 6 657 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. 2 644 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 1 863 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибида 1 919 нафар шахсга нисбатан 1 769 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. 359 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 464 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди².

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда амалга ошириладиган ҳаракатлар мураккаб хусусиятга эга бўлиши билан бирга жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган дастлабки тергов ҳаракатларидан қолишмайди. Шу боис, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали далилларни аниқлаш ва тўплашга зарурият пайдо бўлмоқда. Айниқса, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг дастлабки босқичида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини кўздан кечириш ва тергов экспериментини ўтказиш лозим. Бироқ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойини кўздан кечириш ва тергов экспериментини ўтказиш назарда тутилмаганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ишнинг ҳақиқий ҳолатларига аниқлик киритилмасдан ва ишончли далиллар тўпланмасдан шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги тўғрисида баённома расмийлаштириб, маъмурий жазо қўллаш ҳақида қарорлар қабул қилинмоқда.

Бугунги кунда қонунчилигимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг дастлабки босқичида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишнинг асослари ва тартиби белгилаб берилмаган. Фақатгина МЖТКнинг 275-моддасида прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эканлиги назарда тутилган³. Аммо қонунчилигимизда бошқа ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиши ҳақида нормалар мавжуд эмас.

МДХга аъзо мамлакатларининг қонунчилигида эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишнинг аниқ асослари ва тартиби белгилаб берилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Қозғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 802-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзғатишнинг сабаблари ва асослари сифатида қуйидагилар белгиланган:

² СУДЛАР ТОМОНИДАН 2024 ЙИЛДА Кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ОИД ИШЛАР ЮЗАСИДАН АХБОРОТ// URL : <https://sud.uz/news-2025-02-06-1/>

³Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. // URL: <https://lex.uz/acts/97664>

- 1) ваколатли мансабдор шахс томонидан ушбу модданинг учинчи қисми қоидаларини ҳисобга олган ҳолда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш фактини бевосита аниқлаш;
- 2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, шунингдек бошқа давлат органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан олинган материаллар;
- 3) жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарлари ёки баёнотлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар ;
- 4) махсус автоматлаштирилган ўлчов воситаларининг, шунингдек сертификатланган махсус назорат-ўлчов техникаси ва кузатув воситаларининг, шу жумладан автоматик режимда ишлайдиган ва автотранспорт ва йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини фото ва видеотасвирлар орқали қайд этувчи асбобларнинг кўрсаткичлари, йўл ҳолатини қайд этиш, транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги ва йўналишини, бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатларини аниқлаш;
- 5) асбоб-ускуналар ва (ёки) радио бошқарув аппаратларининг кўрсаткичлари⁴.

Худди шунингдек, Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 28.1-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўзғатилишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини кўрсатадиган етарли маълумотларнинг бевосита аниқланиши;
- 2) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, шунингдек бошқа давлат органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, жамоат бирлашмаларидан олинган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси мавжудлигини кўрсатадиган маълумотларни ўз ичига олган материаллар;
- 3) жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарлари ва аризалари, шунингдек оммавий ахборот воситаларидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси мавжудлигини кўрсатадиган маълумотларни ўз ичига олган хабарлар;
- 4) йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки Россия Федерациясининг таъсис субъектининг қонунида назарда тутилган ободонлаштириш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик, махсус техник воситалар билан автоматик режимда ишлайдиган транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда содир этилганлигини қайд этиш, суратга олиш ва суратга олиш, видеоёзув ёки фото воситалари ва тасвирга олиш, видеоёзув функциялари;
- 5) транспорт воситаси эгасининг (эгасининг) хабарида ёки аризасида кўрсатилган маълумотларнинг ушбу қисмнинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда транспорт воситаси бошқа шахснинг тасарруфида ёки фойдаланишида бўлганлигини тасдиқлаш.

Мазкур қонунчилик ҳужжатида асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қуйидаги пайтдан бошлаб кўзғатилган ҳисобланади.

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомасини тузилганда;
- 2) ушбу Кодекснинг 27.1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни таъминлаш чораларини қўллаш тўғрисида биринчи баённома тузилганда;
- 3) прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилганда;

⁴ Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года №235-V ЗРК // URL: https://continent-online.com/Document/?doc_id=31577399#pos=13498;-28

4) агар ушбу Кодекснинг 28.7-моддасида назарда тутилган маъмурий тергов ўтказиш зарур бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилганда;

5) ушбу Кодекс 28.6-моддасининг биринчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилганда;

Ушбу модданинг 1-қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган материаллар, хабарлар, аризалар мавжуд бўлганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўзғатишни рад этиш рад этилган тақдирда, ушбу материалларни, хабарларни, аризаларни кўриб чиққан мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатишни рад этиш ҳақида асослантирилган қарор чиқарилади⁵.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ҳар бир ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини тасдиқловчи далилларни аниқлаш, тўплаш ва далилларга ҳуқуқий баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, ҳайдовчиларнинг шахарлараро ва халқаро юк ҳамда йўловчи ташишни амалга оширадиган транспорт воситаларидаги назорат асбоблари (тахографлар), аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади⁶.

Бугунги кунда ҳуқуқни кўллаш амалиётида ДЙХХХ ходимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ҳолатга алоқадор шахслар ва икки нафар ҳолислар иштирокида ҳодиса жойи чизмаси чизилиб, иш ҳужжатларига илова қилиниб, бироқ ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилмасдан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари судларга юборилмоқда. Бироқ судда иш кўриб чиқилиб, ишни юритган орган томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКда назарда тутилмаган ҳаракатлар, яъни ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилмаганлиги аниқланиб, иш ҳужжатлари қайтарилаётганлиги ҳам кузатилмоқда.

Мисол учун 19.03.2025 йилда *Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида ҳайдовчи Ш.Тангировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисми ва 133-моддаси билан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилмаганлиги аниқланиб, иш ҳужжатлари ишни юритган органга қайтарилган*⁷.

МДХга аъзо мамлакатларидан Россия⁸, Қозоғистон⁹, Беларусь¹⁰ республикаларнинг қонунчиликларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда далилларни

⁵ "Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях" от 30.12.2001 N 195-ФЗ (ред. от 07.04.2025) // URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. // URL: https://lex.uz/acts/97664_3-1401-2506/5110-сонли_маъмурий_ҳуқуқбузарлик_тўғрисидаги_иш_ҳужжатлари.

⁸ Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации // URL: https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=73739

тўплашда бир қатор усулларидан фойдаланилиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур давлатларнинг қонунчилигида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда бизнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимиздан фарқли равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни кўздан кечириш процессуал ҳаракатини ўтказиш йўли билан далиллар тўпланишини кўришимиз мумкин.

Мисол учун Россия Федерациясининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 28.1-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомасини расмийлаштириш тартиби қуйидагича кўрсатиб ўтилган.

- 1) Ушбу Кодекснинг 12.24-моддасида ёки 12.30-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомаси тузилади.
- 2) Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш тўғрисидаги баённома маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқлангандан кейин дарҳол тузилади.
- 3) Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни кўздан кечириш ушбу Кодекснинг 28.3-моддаси биринчи қисмига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузишга ваколатли шахслар томонидан икки гувоҳ иштирокида амалга оширилади.
- 4) Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни кўздан кечириш баённомасида унинг тузилган санаси ва жойи, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси ва исми-шарифи, транспорт воситасини бевосита бошқараётган шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- 1) мансабдор шахсларнинг ушбу Кодекснинг 28.1.1-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлари, улар амалга оширилган тартибда;
- 2) йўл қоламасининг ҳолати ва сифати, йўл белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган йўл участкасининг ёритилиши даражаси;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган чорраҳанинг тури (тартибга солинадиган ёки тартибга солинмаган), светофорнинг яроқлилиги ёки нотўғри ишлаши, устунлик белгиларининг мавжудлиги ёки йўқлиги;
- 4) ушбу иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомаси тузилаётганда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текширишда иштирок этаётган шахсларга, уларнинг ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомасида суратга олиш, кинога олиш, видеоёзувга олиш, ашёвий далилларни қайд этишнинг бошқа белгиланган усулларидан фойдаланилганлиги ёзувлар қайд этилади. Фотосуратга олиш, кинога олиш, видеоёзувга олиш ва ашёвий далилларни қайд этишнинг бошқа белгиланган усулларидан фойдаланган ҳолда текшириш давомида олинган материаллар тегишли баённомага илова қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомаси уни тузган мансабдор шахс, шунингдек текширишда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни текшириш баённомасининг нусхалари маъмурий

⁹ Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года №235-V ЗПК // URL: https://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=68438

¹⁰ Процессуально-исполнительный кодекс Республики Беларусь об административных правонарушениях // URL: https://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=129893

хуқуқбузарлик содир этилган вақтда транспорт воситаларини бевосита бошқараётган шахсларга топширилади¹¹.

Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда далилларни аниқлаш ва тўплашнинг усуллари анча тор доирада белгиланган.

Бугунги кунда хуқуқни қўллаш амалиётида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимизда назарда тутилмаган бўлсада, ДЙХХХ ходимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда ҳодиса жойига чиқилганида, ҳодисага алоқадор шахслар ва икки нафар ҳолислар иштирокида ҳодиса жойи чизмаси ҳамда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилиб, ишни юритиш давомида эксперт томонидан судга оид автотехника ҳисоблаш экспертиза текширувини ўтказишда ҳодиса жойида чизмаси ва ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасида қайд этилган ёзувлардан тадқиқот объекти сифатида фойдаланган ҳолда хулосалар берилади. Сўнгра, ишни юритаётган ДЙХХХ ходими томонидан иш бўйича тўпланган ҳужжатлар ва унга илова қилинган автотехника ҳисоблаш экспертиза текшируви хулосаларига асосланиб, айбдор ҳайдовчига нисбатан МЖТКнинг 133-134-моддалари билан тўпланган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари судга юборилади. Судда мазкур иш кўриб чиқилиб, натижаси бўйича қарор қабул қилинади.

Эътиборли жиҳати шундаки, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш босқичида ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси расмийлаштирилиб, иш ҳужжатларига далил сифатида қўшилсада, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимизда ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришнинг асослари ва тартиби белгилаб берилмаганлигини, шунингдек МЖТКнинг 276-моддаси 2-қисмига ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси маъмурий хуқуқбузарлик содир этилганлигини тасдиқловчи далил сифатида келтириб ўтилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, қонунчилигимизда маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, яъни хуқуқбузарликни содир этган шахс аниқланмаганда, хуқуқбузарликни содир этган шахсни қидириб топишнинг имконияти бўлмаганда, хуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб кетганда, ўтказилиши узоқ вақт талаб этиладиган экспертиза текшируви тайинланганида, хуқуқбузар узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган оғир касалликка чалинган ҳолатларда юқоридаги ҳолатлар бартараф этилгунга қадар маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилишнинг хуқуқий асослари ва тартиби белгилаб берилмаган.

Беларусь Республикасининг Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги процессуал-ижроия кодексининг 12.2-моддасига кўра маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилиши назарда тутилган:

экспертиза тайинланганда – экспертиза жавоби чиққунга қадар;

жабрланувчи - жисмоний шахс муомала лаёқатини йўқотган тақдирда - қонуний вакил тайинлангунга қадар;

агар маъмурий иш юритилаётган жисмоний шахс касаллиги ёки маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этишига тўсқинлик қиладиган бошқа узрли сабабларга кўра ишни кўришда иштирок эта олмаса ва кўрсатилган шахс ишни ўз йўқлигида кўриш учун ариза бермаган бўлса - тегишли сабаблар бартараф этилгунга қадар;

агар маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришда унга нисбатан маъмурий процесс олиб борилаётган жисмоний шахснинг иштирок этишини таъминлашнинг иложи бўлмаса,

¹¹ "Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях" от 30.12.2001 N 195-ФЗ (ред. от 07.04.2025) // URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/

бундай иштирок этиш мажбурий бўлса, - иштирок этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар баргараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади¹².

Шунингдек, Қирғиз Республикасининг Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 508-моддасига кўра ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш асослари, тартиби ва муддатлари белгиланган. Унга кўра жавобгарликка тортилаётган шахсининг турган жойини аниқланмаганда, ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги юз берганда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш доирасида тайинланган экспертиза бўйича ҳулосанинг мавжуд эмаслиги натижасида ваколатли орган иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади¹³.

Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 282-моддаси 4-қисмида ушбу Кодекснинг 133 ва 134-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомага ҳайдовчини алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарилганлиги белгиланган тартибда текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда икки ҳолис иштирокида тузилган далолатнома илова қилиниши кўрсатиб ўтилган. Бироқ бугунги кунда қонунчилигимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда қатнашувчи шахс сифатида ҳолиснинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмаган бўлсада, судга юборилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиб, иш ҳужжатларини расмийлаштиришда ҳолислар иштироки таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Мисол учун 04.01.2025 йилда Жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судида Сга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 136-моддасининг 1-қисми билан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарга 1 йилу 6 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, яъни 3 400 000 сўм жарима жазоси тайинланган. 16.01.2024 йилда Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида мазкур иш қайта кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг қарори ўзгартирилган қолдирилган. 26.04.2024 йилда Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясида мазкур иш қайта кўриб чиқилиб, Ангрен шаҳар ИИБ ЙҲХБ ходими ҳайдовчини тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортирилганлиги тўғрисидаги далолатнома тўлдириб, мазмунини ўқиб эшиттирмасдан туриб, **ҳолислар иштирокисиз далолатнома расмийлаштирилганлиги аниқланиб**, суд қарорлари бекор қилиниб, С. нинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд эмаслиги сабабли, унга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган¹⁴.

Юқоридагиларни инобатга олиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳар томонлама тўла ва ҳолисона юритилишини таъминлаш мақсадида қонунчилигимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг дастлабки босқичида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзгатиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини кўздан кечириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни

¹² Процессуально-исполнительный кодекс Республики Беларусь об административных правонарушениях // URL: https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=129893

¹³ Кодекс Кыргызской Республики о правонарушениях // URL: https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=136149

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг биринчи ярмида тафтиш тартибида кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти обзори. 3-1104-2302/6605-сонли маъмурий иш ҳужжатлари. // URL: https://sud.uz/wp-content/uploads/2024/08/%D0%98%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B0_%D0%BE%D0%B1%D0%B7%D0%BE%D1%80_%D0%96%D0%98%D0%91_2024_%D0%B9%D0%B8%D0%BB_1_%D1%8F%D1%80%D0%B8%D0%BC_%D0%B9%D0%B8%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BA.pdf

тўхтатиб туришнинг асослари ва тартибини ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юриштида қатнашувчи шахслар сифатида холисларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш лозим бўлади.